


Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



[www.zarnews.uz](http://www.zarnews.uz) <https://www.facebook.com/zarnews.uz> [@zarnews\\_uz](https://twitter.com/zarnews_uz) [https://twitter.com/zarnews\\_uz](https://twitter.com/zarnews_uz)

► Муносабат



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ!

Кеча бўлган ҳолат. Таҳририятга тушган мурожаат юзасидан ҳудуд масъуларининг фикрини билиш учун туман ҳокимига қўнғироқ қилгандим, "Бироздан кейин ўзим телефон қиласман", деб ўчириб кўйди.

Ҳали соат саккиз ҳам бўлмади, эрталабдан йигилишдамикан, деб ўйладим. Ҳозир раҳбарларга осон эмас, бажарилиши керак бўлган ишлар кўп. Туну кун ишлашга тўғри келади. Бунинг устига, бугун кабинетда ўтириб ишлаб бўлмайди, сектор, маҳаллабай, хонадонбай, деган тушунчалар бор. Маҳаллада, одамлар орасида бўлиш керак. Бу – Президентнинг талаби, бугунги сиёсат талаби. Ана шу талабга жавоб берса, раҳбар элнинг ишончини қозонади, одамларни ортидан эргаштирича олади. Йўқса, ўзи жамиятдан узилиб қолавради, мансабдаги "умри" киска бўлади.

Яқинда вилоят коммунал ташкилотларидан бирининг раҳбарига узоқ қўшилк, ахолиси у бошлиг қилаётган идорага бир неча марта мурожаат киғлан бўлса-да, муаммоши ҳал бўлмаётгани, бу ҳақда улар бизга ҳам чиққанини айтдим. "Яхши, ўзим шуғуллани, масалани ҳам қиласман. Факат менга эртага бир эслатиб юборинг", деди. Муаммо нима учун ҳал бўлмаётгани сабабини англагандек бўлдим. Гап ходимларда эмас, раҳбарда экан. У қандай раҳбарки, ҳар бир масалани унга қимдир эслатиб туриши керак бўлса. Наҳотки, у мурожаатлар билан ишлаш тартибини билмайди? Масалани дафтарига кайд этиб, масъулларга йўналтирмайдими ёки ўзи шуғулланмайдими?

Ўн даққикалардан кейин туман ҳокими алоқага чиқди.

– Кечак сайдер кабулда бир аёл оиласий ахволи жуда оғирлиги, турмуш ўртоғи ва фарзанди нигорин бўлиб қолганинги айтганди – деди у. – Эртага ўзим масъуллар билан уйнингизга бориб, шароитнингизни ўрганимиз, дегандим. Бугун эрталаб ишни шундан бошладик, оила азъоларидан ҳол-ахвол сўраб, хонадонга ёрдам кўрсатиш бўйича зарур ишларни белгилаб олдик.

Мен ҳам ахоли мурожаат юзасидан уни безовта қилаётганини билдириб, масалани айтдим. Ҳоким тегиши ўринбосари муаммони ўрганиб, тез орада мурожаатчilar ва таҳриriята мәълум килишини билдири.

Куннинг иккичи ярмида аввал мурожаатчilar, ундан кейин туман ҳокими ўринбосари таҳririяta қўнғiroқ қилиб, масалага ечим топилгани ва ишлар бошланганини маълум қилид. Бир ҳудуд ахолисининг муамmosiga тезкор ечим топилди, уларнинг давлатга ишончи, раҳбарга мөхри орти.

Энди маҳаллага бориб, мамлакатда кечачётган ислоҳotлар "Инсон қадар учун!" таомойли асосида амала оширилаётгани, ахолini камбагаликдан чиқари ва тадбиркорликка ўргатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани ҳақида галирсангиз, бирор кинояни кулмайди, гапнингизга этириз-бўлирмайди.

Тўғри, ҳамма жоҳда ислоҳotлар натижаси бирдек намоён бўлмаяти. Муаммолар бор, одамларнинг дарду ташвиши ҳам кам эмас. Раҳбарлар, масъуллар орасида пастга тушиб ишлаши, ахолини эшитишни оғриниб бажараётганлар йўқ десак, хато бўлади. Бундай холатларга ҳам секин-аста барҳам берилмоқда. Ҳумими, одамлар, уларнинг давлат ва жамият ётиридиаги ўзгаришларга муносабати ўзгариб бормоқда, юрт тақдирга, эртаги кунига бефарқ эмас. Бефарқ бўлгандга ҳам бундан аввало, ўзи ютқазяпти.

Кечак Президентимизнинг "Ўзбекистон

Голиб ҲАСАНОВ.

КУН  
ХИКМАТИ

Нуронийлик  
қадри ёшнинг  
катталаигига  
эмас,  
бошқаларга  
берган  
ибратига қараб  
белгиланади

2022-yil 4-avgust, payshanba,  
89 (23.656)-son

## ШУКР, САБР, ИБРАТ – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

"Жаҳолатга қарши маърифат билан курашайлик!" шиори остидаги тарғибот тадбирлари Каттакўргон шаҳри ва туманида давом этди. Тадбирлarda буғунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, борига шукр, йўғига сабр қилиш яхши натижалар бериши, фарзанд тарбияси жараёнидаги ота-она ибрати, озгина эътиборсизлик кўпгина салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар ўтрага ташланди.

- Биз маҳаллаларимизда бўлиб ўтган тарғибот тадбирларига кўпроқ тарбияси оғир бўлған фарзандларинг, шунингдек, хорижда ишлаш учун кетган ёшларнинг ота-оналарини таклиф қилидик, - деди Каттакўргон тумани ҳокими ўринбосари Дилюшод Исмоилов. – Улар билан Дин ишлари бўйича қўмитанинг масъул ҳодимлари мавзу юзасидан субҳатлашид. Айниска, қўмита раиси маслаҳатчиси Илҳомжон Маъруповнинг чиқиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шоира Рислийот Хотамованинг "Шукронга" номли шеърини ўқигани тадбир иштироқчиларининг хеч бирини бефарқ колдирамди.

Тадбирда улуғ алломаларимизнинг фарзанд тарбияси борасидаги оқилона ўйтгилари жонли мисоллар орқали шархлаб ўтилди.

Тўлқин СИДДИКОВ.



► Президент фармонига кўра



### Ижтимоий ҳимоя сиёсати янги стратегия асосида амалга оширилади

Жорий йилнинг 25 июль куни давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси ахолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегия-сини тасдиқлаш тўғрисида"ти фармони қабул қилинди.

Ушбу фармон билан 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасида тизимили ислоҳotларни изчили давом эттириш ва янада токомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш хуқуқларини тъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда самарали идоралараро мувофиқлаштирувчи тизимили яратишни кўзлаб, жуда ҳам катта ва кенг қарори ўзбекистон Республикаси ахолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб қўйилган.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

## Кадастри йўқ хонадонлар муаммоси ҳал этилади(ми?)

Ёхуд миллионлаб одамларнинг оғирини енгил қилиши мумкин бўлган янги қонун лойиҳасида нималар акс этиши керак?

Яқинда Президент раҳбарлигидаги йигилишда шу ҳақда гап борди. 2 миллион 600 мингта аҳоли хонадонининг кадастри хужжати ўйклиги ва кадастри бўлмагани учун ер солиги 3 карра миқдорда ҳисобланётган айтилди. Мутасадидларга республиканинг барча ҳудудларида кадастри йўқ, хонадонлар масаласини узил-кеслил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, муҳокамага киритиш вазифаси топширилди.

Фаолиятимизда яқин йилларда айнан шу масалада фуқаролардан катор шикоятлар тушгани ва муаммо ўрганилган учун янги қонуннинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтиши лозим топдик.

Хўш, янги қонун нима

учун керак? Бунга қандай этийёб бор? Муаммо нимадан иборат? Аввало, кўплаб фуқароларни қийнаб келаётган муаммо ва унинг келиб чиқиши ҳақида тўхтальскак.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

► Бизнинг сұхбат

## Маҳалла масъуллари малакасини ошириши шартми?



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 октябрдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиши тўғрисида"ти қарори асосида жойларда махсус ўқув курслари ташкил қилинган. Мазкур курс бугун ҳам керакми? Вазият ва шароит ўзгартган бугунги кунда у қандай бўлиши зарур?

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси раҳбарни Тоштемир Эргашев билан шу хусусда сұхбатлашди.

- Малака ошириш давомида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида касбий маҳоратнинг тизими асосда доимий ўсишини тъминлашдиган билим ва кўнижмаларининг даврий равишда янгилаб борилиши ташкил этилади, - деди Т. Эргашев. - Бундан ташкири, фуқаролар йигинларининг давлат нотижорада ташкиллари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ижтимоий шерликлар механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш чоралари кўрилади.

- Қарийб ўн йўналишда амалга ошириладиган малака ошириш давомида ўқув курси ҳам бошқа идора ва ташкиллар билан ҳаморликда ишлайди, тўғрими?

- Шундай. Фаолиятимизга ташкилий раҳбарлик қилиш вилоят ҳокимлиги томонидан амалга оширилади. Янни, малака оширишнинг режа-жадвалларини ҳокимлик тасдиклайди.

Шунингдек, вилоят маҳалла ва нуронийларни кўллаб-куватлаш бошқармаси билан

биргаликда малака ошириши мухтож кадрлар контингентини анилайди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг ўқув курсларидан катнашишини тъминлаш, малака ошириш курсларидан ўтиши ҳисобини юритади.

Фаолиятимизга ўқув-методик раҳбарлик қилиши ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси томонидан амалга оширилади.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

## Маҳалла масъуллари малакасини ошириши шартми?



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

- Гапларингизга кўра, бу ўқув курсида тингловчилар имтиҳон топшира олмаса, бу ерда ўтказган вактига "куйиши" мумкин. Шундай бир шароитда уларнинг ижтимоий ҳимояси, бошқача айтганда, қонунда белгиланган ҳуқуқлари таъминланадими?

- Курсимизда тингловчиларнинг малакасини ошириши вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган, тегисли туман (шахар) ҳокимликларига юборилган режа-жадвал асосида амалга оширилади. Якунда тингловчиларнинг билимлари синов имтиҳони асосида бахоланди. Дастурларда назарда тутилган барча талабларни бажарсан ва синов имтиҳонини мудафакиятили топширган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилади. Имтиҳондан ўтмаган тингловчиларга малака ошириша қатнамасини тўғрисида маълумотнома берилади. Бу уларни егаллаб турган вазифасидан озод килиш ёки бошқача таъсир чораси кўришига асос бўлмайди, албатта.

Шунингдек, ўқиси даврида тингловчиларнинг асосий иш жойи бўйича ўтчата иш ҳаки сақланади. Худудлардан келганларга уларни юборган томон хисобидан суткалил пул тўланади ҳамда республика доирасидаги хизмат сафарларидага белгиланган тартибида ва мидорда ўқиси жойига бориш-келиш ўйл ҳаки тўланади.

- Салкам ўн йилдан бўён ўқув курси фаолият олиб боряти. Табиийик, вакт ўтган сари тўпланган таърибалар, колверса, жамият ҳамиди ва бошқа омиллар түфайли муйяйз ўзғартишларга зарурат түғилади. Шу маънода, маҳалла институти фаолиятини тақомиллаштириши бўйича ҳам ўйлаб кўрганимисизлар?

- Албатта, бу фаолиятимизнинг энг муҳим, айни дамда узлуксиз қисми ҳисобланади. Ҳусусан, маҳалла институти фаолиятини тақомиллаштириш учун Давлат хизматлари агентлигидаги хизматларни маҳалла йўлга кўйиш ҳисусидан тақлиф кириятмиз. Чунки бу орқали ахолининг транспорт харажатлари ва вақт сарфи кискаради.

Аслида айни шу тақлифнинг ахралмас қисми сифатида маҳалла институтининг молиявий мустакиллигини таъминлаш максадга мувофиқ. Негаки, амалдаги қонунга кўра, маҳалла нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Қандайдир хизматларни амалга ошириши шартнома асосида хисоб ракамига пул тушуниши, хосил бўлган маблагларни худуд ижтимоий-иктиносидаги ривожла-

ниши, ахолини кўллаб-куватлашга ва фуқаролар йигини ходимларини моддий рафтаблантиришга йўналтириша будади.

Шунингдек, маҳаллаларда социологик ва аналитик таҳлил олиб бориши йўлга кўйиш, бунинг учун тегисли методикани ишлаб чиқиши керак. Бу таҳлил биринчи навбатда, маҳалла институти самарадорлигини ҳамда жамоатчилик назоратини ошириши имконини беради. Ўз навбатида, бошқа соҳаларда ҳам галдаги вазифаларни режалаштириб олиш, колверса, амалга оширилаётган ишларни баҳолаш имконини яратади.

- Тоштемир ака, бугунги фуқаролар йигини билан кечагисини солишириб бўлмайди. Қайсики, маҳалла ишлагани билан турли тузилмалар ходимлари ягона мақсад ўйлида ҳаракат қилмайди, назаримда. Демак, ўқув курсини, яъни малака ошириши ҳам янгила асосда ташкил этиши зарурати түғилмаятими?

- Гапнингизга кўшиламан, мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, маҳалладаги барча масъулларнинг "турли йўналиш, бир мақсад" тамоили асосида малакасини ошириши йўлга кўйиш мақсадга мувофиқ.

Бунда ўқув курсининг мавжуд имкониятлари, моддий-техник базасидан фойдаланган ҳолда аввало, маҳалла ва нуронийларни кўллаб-куватлаш, оила ва хотин-қизлар, маҳаллабай ишлаш ҳамда ёшлар ишлари агентлиги туман (шахар) бўлимлари ходимлари жалб қилинса, айни муддо бўллади.

Кейинги босқичда табиийик, маҳалла раис (оксоқол)лари, хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчиларининг малакасини оширилса, тўғри бўллади, деб ўйлайман!

- Лекин бунини учун сизларда имконият ва салоҳият етарлами?

- Илмий салоҳият етарли. Аммо моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва уни кучайтириш керак. Бу борода вилоят ҳокимлиги ҳузурида "Маҳалла масъуллари малакасини ошириши маркази"ни ташкил этиши ҳақида тақлиф киритилган. Ўнда марказни мустакл ўқув биноси, жиҳозлар билан таъминлаш, тингловчилар учун тураржойлар ташкил этиши сурʼалган.

Ўйлаймизки, бу ишлар тез кунларда амалга ошиб, вилоятимизда янги тизим ходимларининг билим ва кўнинмаларини ошириб бориш учун зарур шароитилади.

Ё.МАРҶАЕВ сұхбатлашди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Гап шундаки, ер-мулк билан боғлиқ ҳар қандай низо ва муаммони ҳолатда биринчи наубатда егалик ҳуқуки расмийлаштирилгани (давлат рўйхатидан ўтказилгани) сўralади. Бирор истаган худуддаги аҳолининг анчагина қисмида ўзи яшаётган уйга егалик ҳуқуки йўқ. Катор ҳолатларда эса оддий, кишлодка яшовни фуқаро учун ўй-жойини давлат рўйхатидан ўтказиб, егалик ҳуқуқини расмийлаштириш деярли имконизсиз ахволга келиб қолган эди. Қандай килиб дейсизми?

Айтайлик, мъалум фуқарога ўй-жой



баёнида айтилган муаммони бартараф этиш учун тегисли конунчилликка ҳам ўзгартришлар киришиш керак эди. Янги қонуннинг нечоғлик мухимлиги борасидаги иккиси жиҳат мана шунда. Чунки егалик ҳуқуки бериш тартибини маҳаллий ҳокимликлар ёки тегисли идоралар мустакил эмас, айнан ҳуқумат даражасида, аниқ тизим асосида амалга ошириши талаб этилади.

Содда қилиб айтганда, егалик ҳуқуқини тиклаш учун ўй эгасидан биргина лойиҳа сўралиши шунча муаммони келтириб чиқармоқда. Ҳолбуки, лойиҳа энди курила-диган ўйлар учун керак.

## Кадастри йўқ хонадонлар муаммоси ҳал этилади(ми?)

Ёхуд миллионлаб одамларнинг оғирини енгил қилиши мумкин бўлган янги қонун лойиҳасида нималар акс этиши керак?

Учун 1995 йилда туман ҳокимининг қарори билан ер ажратилган. 10 йил ичida у уйни куриб битказган ва яшаб келмоқда. Кўллаб хонадонлар каби унда ҳам егалик ҳуқуки йўқ. Энди эса егалик ҳуқуки мавжуд бўлмаган фуқаролар амалдаги Солиқ кодексининг 437-моддасига кўра, уч баравар кўп миқдорда ер солиги тўлашширига тўғри келади. Уч баравар соликини тўлашнинг ўзи бўлмайди. Табиийик, кўп-лаб фуқаролар ўз ўйига егалик ҳуқуки ва кадастри расмийлаштириш ҳаракат қилиб кўриши. Аммо асосий муаммолар ана шундан кейин бошланди.

Фуқаро ўзи яшаб келган ўй-жойга егалик ҳуқуқини олишида мантиқа зид бўлган бир катор тўсиқларга дуч келётган. Биринчи тўсиқ шуки, фуқаро яшаётган ўйига егалик ҳуқуқини олиш учун Давлат хизматлари марказига мурожаат қиласрар, ундан ўй-жой лойиҳа хужжатлari талаб қилинади. Тасаввур киляксими? Қуриб бўлинган ўй-жой учун!

Яна бир аниқлаб оламиз: Лойиҳа бу — бину кўришидан олдин килинадиган ёнг дастлабки хужжатлардан бир. ҲХМ қандай қилиб 30 йил олдин қурилган, шунча йилдан бери фуқаро яшаб келаётган ўйнинг лойиҳасини сўрайти? Чунки қонда шунка.

Эгалик ҳуқуқини тиклаш Вазирлар Мажхамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарори асосида амалга оширилади. Қарорда эса егалик ҳуқуқини тиклаш учун лойиҳа ҳам тақдим этилиши беглилаб кўйилган. Аллақачон куриб битказилган ўйни рўйхатга олиши қурилиши лойиҳасини ташлиши этилиши мантиқа зид бўлиб келмоқда.

Ана шу тарзда фуқаро ўз ўйини хужжатлаштиришда дастлабки қадамни ҳам кўя олмайди. Қоидаларки шундай бўлгач, фуқаро кандай йўл тушиши керак! Дарвое, фуқаронинг муаммосини ҳис килиб, унга

ёрдам бермоқчи бўлган соҳа вакили эса бу ҳолатда ўз-ўзидан қоидбазарга айланиси келади. Ким айборд? Фуқаро ҳам, кадастри идораси ҳам (ўзи истамаган холда)!

Қонун-қоидалар мана шу алфозда бўлганни ҳолда егалик ҳуқуки бўлмаган ўйлар учун уч баравар миқдорда солик солиниши бирин-кетин одамларнинг норозилигига сабаб бўлиши ва бу охир-оқибат Президент даражасига чиқиши ҳам тайин эти.

Шу вақтгача мутасаддилар мазкур ҳолатга тушшиб колган фуқароларга мазалага ечим топиш учун судга мурожаат килишини маслаҳат беради. Аммо ахолининг 40 фоизи бу муаммога дуч келиб турганди, суд ечим эмас. Ўзуман, низоли ҳолатларда судга мурожаат этишини тушуниш мумкин. Аммо бу ерда қондадар ва баравар соликнинг ислоҳотга мухтоҳлиги ҳакида бўлар мурожаатни ташкил этишида, қондадарга тортимоқда.

Ана шу нуктаи назардан қуридаги, Президент айтган янги қонун лойиҳаси айни вақтда энг долзлар хужжатлардан бир. Эндиги масала давлат раҳбаридан топширики олган вазирlik, кўмита ва агентликларнинг (янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, мухокамага кўйиш топшириги Адлия вазирlik, Солик кўмитаси, Кадастри агентligiga берилди) топширикин қаҷон ва қай даражада бажарилади.

Чунки айни шу масаланинг дастлабки ечими бўйича топширилар 2020 йил 15 октябрда давлат раҳбари раҳбарида ўтказилган йигилишида давлат раҳбари мутасаддиларга "2021 йилнинг 1 марта" кадар егалик ҳуқуки расмийлаштирилмаган кўчмас мулк обьектлари муаммоларни ҳал этиш чораларни кўрсин", деб аниқ вазирlik қарорида ғарбияни ўй-жойда ҳам бу хужжатни расмийлаштириларни керак. Бундай вазиятда, қондада кўра, ер ажратиш қарорини топиб келиш керак. Тўғри, собиқ ССР давридаги колхоз қарорлари ҳам давлат рўйхатидан ўтказишга асос ҳисобланади. Муаммо ва фуқаролар учун мушкуллик шундаки, ўтган асрнинг иккиси ярмига оид ва бу каби хужжатларни топиш деярли имкониз иш.

Бу тоифадаги фуқаролар ҳам ўй-жойларини давлат рўйхатидан ўтказишида қийинчилликда дуч келмоқда. Демак, бу бўйича ҳам янги қонунда бандлар бўлиши керак.

**Анвар МУСТАФОҚУЛОВ.**

## Ижтимоий ҳимоя сиёсати янги стратегия асосида амалга оширилади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Фармонга кўра, Молия вазирлиги таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ижтимоий сурѓута жамғараси ташкил этилади.

Ижтимоий сурѓута жамғараси хисобидан жорий йилнинг 1 сентябрдан бошлаб давлат ижтимоий сурѓутаси бўйича минимал истеъмол харажатларидан келиб чиқиб, ҳомиладорлик ва тугиши нафакалари тўланиши жорий қилинади. Келгусида давлат ижтимоий сурѓутаси бўйича бериладиган нафакалар "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали босқич-макобич тўланаади.

Ўзбекистон Республикаси ахолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси - ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш бўйича 2030 йилгача бўлган даврда устувор йўналишларни ва комплекс чора-тадбирларни беғлилаб беради. Стратегия давлат томонидан ижтимоий ҳимояни таъсислаштиришини таъминлашади.

1) ижтимоий ёрдам дастурлари доирасида кам таъминланган оиласларга моддий ёрдам тайинлаш;

кам таъминланган оиласларга болалар нафакатини тайинлаш;

ёшга доир нафакаларни тайинлаш;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдағи ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафакаларни тайинлаш;

ўзгалар парваришига муҳтоҳ ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига парваришига нафакасини тайинлаш;

бералиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга тайинлаш;

ногиронлиги бўлган болалар нафакасини (18 ёшгача) тайинлаш;

ўн сакзис ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига хамда ҳаёт учун хавфли ва сурункали ривожла-



надиган кам учрайтидан (орфан) касалликка чалинган болалarga нафака тай

## "Аёллар дафтари" ва оила мустаҳкамлиги

Жомбой тумани Журият маҳалласидаги од-  
мигина уй. Уй бекаси бизга пешваз чиқиб,  
чамаси бир хонаси ўзлари яшаши учун, яна  
биттаси эса мўъжазгина тикив цехига мўл-  
жалланган хонадан иборат уйга бошлади.  
Тўрт-беш нафар қиз тикиш билан машғул.  
Ингилган мато ва тикиш учун тайёрлаб  
кўйилган бичимларидан буюрталар кўп-  
лиги кўриниб туриди.

### ҲАММАСИ OILAKREDIT.UZ САЙТИ ОРҚАЛИ

- "Аёллар дафтари"га киритишганда кредит олиб,  
ишимни йўлга кўйиш имконияти мавқудлигини айтиш-  
ганди, - деди Фаридда Жоникулова. – Тикиш килишини  
билимдан, аммо тикив машинни оддигина эди. Бу маши-  
на билан пул топишнинг имкони бўлмагани учун либос  
чокларини бурмалайдиган станок ҳамда янги турдаги  
машиналардан сотиб олдим. Тўғрироги, ушбу маши-  
наларни ўйимгача олиб келиб беришиди. Кредит олиш  
учун умуман ўргурганим йўк. Oilakredit.uz сайти орқали  
кредитни расмийлаштирид. 10 миллион сўм миқдо-  
ридаги маблагга менга маъқул бўлган жихозларни ҳам  
интернет орқали танлаб, сўров жўнатилиди. Факаттинга  
"Ягона дарча" орқали электрон калит олдим. Орадан  
ун кун ҳам ўтмай, ўзим танлаган ускунлар келтирилди  
ва иш бошладим. Ҳозирга қадар ўнга яқин шогирдла-  
рим ҳам тикиш билан шугулланиб, рўзгорига ёрдами  
тегялди.

Журият маҳалласида "Аёллар дафтари"даги 13 на-  
фар хотин-қиз шу тарика кредит олди. Тўрт нафари иш  
бошлади. 20 нафар имконияти чекланган, шунингдек,  
ногирон фарзанд тарбиялаётган 18 нафар аёлга бир  
марталик моддий ёрдам ахратиди.

### ШУНЧАКИ ҲОЛ СЎРАМАЙМИЗ...

- Хотин-қизларнинг ахволини ўрганиш, тахлил  
килиш илгари асосан статистика учун эди, - деди  
Журият маҳалласи хотин-қизлар фаоли Лола Шод-

монова. – Ҳозир ўрганиш билан бир қаторда, уларга  
ёрдам беришнинг ҳам аниқ механизмлари мавжуд.  
Дейлик, ногирон фарзанди бор аёл ҳар қандай ҳолатда  
ҳам ишлай олмайди, уларга ўйида шароитига қараб,  
томорқада ишлаш, чорва кўйлайтириш бўйича имконият  
берилди. Ҳозиргача ўз-ўзини банд қилган аёлларимиз  
сони 28 нафара етди. Қўлида ҳунари бор, аммо моддий  
маблаги етари бўлмаганлар 30 миллион сўмгача кре-  
дит олиши мумкин.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорлик-  
да ҳунари бор хотин-қизларга иш бошлаши учун имко-  
ният берилмоқда. Айнанка, кредит олишдаги қуалайлик,  
кафолат хотин-ю гаровга ҳеч нима талаб этилашили  
ўзи шундогам молиявий жиҳатдан қийналиб турган  
аёлларга катта ёрдам бўлди.

**УЧИНЧИ ШАХС АРАЛАШИШИ КЎП**  
Туман миқёсида эса 3276 нафар аёл "Аёллар даф-  
тари"га киритилди. Шу пайтгача уларнинг 527 нафари  
ишига жойлаштирилган бўлса, 247 нафари, яъни кредит  
олиб, иш юритишида бўлганларнинг 80 фоизи  
ўз максадига ёршишган. Шунингдек, ногиронлиги бор,  
имконияти чекланган фарзанд тарбияси билан машғул  
аёлларга бир марталик ёрдам маблаглари ахратиди.

- Аёлларга, демакки, оиласларга ёрдам беришнинг  
тизими сулни шакланганни иш фаoliyatiyimizda мухим  
аҳамиятга эга, - деди Жомбой тумани оила ва хо-  
тин-қизлар бўлими раҳбари Хилола Рахимова. – Энди-  
лидка маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоли аёлларни  
дафтаририга киритар экан, унга бир марталик ёрдам  
бериши билан чекланмайди. Үша оиласнинг муаммоси ҳал  
аралашви туфайли юз бермокда. Ёшларнинг кўчи-

лиги "яшайман, аммо оиласда вазият яхшимас, у билан  
яшасам, ота-онам билан муносабатларимиз ёмонлаша-  
ди", деган фикрни билдиришади. Тахлил килиб чиққа-  
нимизда ажрашиш нишида бўлган оиласларнинг 40  
фоизи учинчи шахс аралашви билан шу қарорга кел-  
моқда. Бу жуда катта рақам. У хоҳ келин томондагилар,  
ҳоҳ кўёуб томондагилар бўлсин, ёш оиласнинг ҳаётiga  
арзимас сабаблар билан аралашиши, уларнинг ҳаётини  
яхшиш ўргига нотинчлик кетарлигига кўйлайди. Шунинг учун  
биз оиласда учинчи шахснинг аралашви ҳолатларини  
камайтириш учун унга қарши чора кўрилиши керак,  
деган таълифларни илгари сурнамиз.

Судьялар иштироқида ҳафтанинг ҳар шанба куни  
қабуллар ўтказилиши ҳам яратширув учун яхши имкон  
бўлмоқда.

Асосий максадимиз оиласларнинг тинчлиги, иқтисоди  
мустаҳкамланишига қаратилмоқда. Зеро, арзимас но-  
тинчлик ҳам иқтисоди мустаҳкам оиласи қийин ахвол-  
га солиб, фарзандларнинг осойишта мухитда ўсишига  
халақит бермоқда.

Гулруҳ Мўминова.

**2017 йилда маълум сабабларга кўра,**  
**Ингичка конининг вольфрам ташувчи**  
**чиқинди қумларини қайta ишлаш билан**  
**шугулланувчи "Ингичка металс" кўшма**  
**корхонаси фаoliyatiyit tuktatilgan edi.**  
**Оқибатда 100 дан ортиқ ҳодим ишсиз,**  
**вольфрам бойитмасини қайta iшlaётgan**  
**"Нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар**  
**ilmий-iшлаб чиқариш бирлашмаси"**  
**хомашёсиз қолди.**

## ИНГИЧКАДА КОН ИШЛАРИ ТИКЛАНЯПТИ

Кейинчалик Вазирлар  
Маҳкамаси Раёсатининг  
2021 йил 14 октябрдаги  
мажлис байнига асоссан,  
Ингичка конининг техноген  
чиқиндила-  
рини ўрнатилган тартибида  
"Олмалик" кон metallurgiya  
kombinatini" акциядорлик  
жамияти балансига бериши  
белгиланди.

Айни кунларда "Олмалик КМК" акциядорлик жа-  
мияти ва "Ингичка металs" кўшма корхонаси ўртасида  
одди-сотди хужжатларини  
расмийлаштириш ишлари  
тугалланмоқда. "Олмалик  
КМК" АЖ "Нодир метал-  
лар ва қаттиқ қотишмалар  
ilmий-iшлаб чиқариш  
бирлашмаси" таркибида

Ингичкада вольфрам бойит-  
ши фабрикаси ташкил этилди.  
Фабриканни реконстру-  
кцияни килиш ва қайta  
тъмирилаш ишлари бошлаб  
юборишли. Жорий йилнинг

август ойида фабрика  
харидориги бўлган ферро-  
молиден қотишмаси олиш  
имконияти яратилиди.

Эшонкул ҲУШБОҚОВ,  
Ингичка тажриба  
технология экспедицияси  
бош технологи.

тўлиқ ишига туширилиб,  
мажсулот бера бошлайди  
ва камиди 100 та яни иш  
ўрни яратилиди.

Ингичка тажриба  
технология экспедицияси-  
нинг бойитши фабрикаси  
базасида кичик саноат  
усулида мобилен майданни  
синовдан ўтказиш

максадида қўшини Қозогис-  
тон Республикасида жой-  
лашган "Дройловка" кони  
маъмурлияти вакиллари  
билин келишувга ёршил-  
ди. Дастрлабки синов ишила-  
ни амала ошириш учун

60 минг доллардан зиёд  
инвестиция киритилмоқда.  
Қайta ишлаш нотижасида  
олинган мобилен бойит-  
масидан дунё бозорида

харидориги бўлган ферро-  
молиден қотишмаси олиш  
имконияти яратилиди.

Эшонкул ҲУШБОҚОВ,  
Ингичка тажриба  
технология экспедицияси  
бош технологи.

бюрократик ва коррупцион омил-  
ларни камайтириш мақсадида ко-  
мисия фаолияти автоматлаши-  
рилиб, тизимда иштирок этувчи  
масъул ташкилотларнинг иш  
фаoliyatiyit мувофиқлаштириш  
ва назорат қилиш туман (шахар)  
хокимлари ҳамда комиссия  
таркиbiga киритilgan ҳар бир  
ташиkitot va idora bozorlari  
zimmasiga ўsishni kuchilishi  
zimmasiga ўsishni kuchilishi.

Бундан ташкири, ўй-жой  
сотиб олиш ёки якка тартибдаги  
уй-жойларни куриш ва рекон-  
струкцияни килиш учун сабаблар  
таҳжидида ахолini ҳамда  
хокимlari ҳамda иштирок etuvchi  
mashxushlari bilan bozorlari  
zimmasiga ўsishni kuchilishi.

Шу билан бирга, субсидия  
ажратish тўғрисидagi хабарномa  
mada tabalgora давлат biud-  
jetida akratiladigan bozorlari  
zamani, yani turmush ўrtogiga va  
turmushga chikmagan farzandlari  
darmadlarini inobatga olish  
va baҳolash ijtimoiy mazon  
lar asosida tijorat banklari  
tomonidan hulosa bermasli-  
gi inobatga olinib, tijorat  
banklarining tizimdagagi iштиро-  
ki tugatildi.

Шоҳруҳ Эшқуватов,  
вилоят iктисолид таракқiёт  
ва камбагалликни  
қисқартириш бош  
бошқармаси бўлим бошлиги.

мансийлигини ва ҳақиқи  
муҳтож оиласга etib boriшини  
taъminlash maқsadiда baҳolash  
tizimida faqat oila aъzol-  
rinin, yani turmuş ўrtogiga va  
turmushga chikmagan farzandlari  
darmadlarini inobatga olish  
va baҳolash ijtimoiy mazon  
lar asosida tijorat banklari  
tomonidan hulosa bermasli-  
gi inobatga olinib, tijorat  
banklarining tizimdagagi iштиро-  
ki tugatildi.

Баҳolash tizimidan orticha

manzil: Samarqand shaxri Mustaqillik  
mайдoni.

\* \* \*

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан  
шугулланувчи нотариус Салимов Отабек Мама-  
юсович нотариал идорасида марҳум Габбаров  
Раймукол Аликуловичга (2021 йил 7 оқтабрда  
вафот этган) тегиши мол-мulk учун мерос иши  
очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрлар-  
нинг Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларini  
сўраймиз.

Манзил: Буёнгур шахри Mustaqillik  
mайдoni.

\* \* \*

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан  
шугулланувчи нотариус Нуркулов Алишер  
Заировна нотариал идорасида марҳум Тоҳтаев  
Рустамга (2021 йил 14 июлда вафот этган) тегиши мол-мulk учун мерос  
иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрлар-  
нинг Заировна нотариал идорасига мурожаат этишlарini  
сўраймиз.

Манзил: Samarqand shaxri Amir Temur  
kuchasi, 108-uy.

\* \* \*

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан  
шугулланувчи нотариус Исақуловна Нигора Тур-  
дикуловна идорасида марҳум Ждано-  
ва Вероника Адолфовнага (2018 йил 3 оқтабрда  
вафот этган) тегиши мол-мulk учун мерос иши  
очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрлар-  
нинг Исақуловна Нигора Турдикуловна нотариал  
идорасига мурожаат этишlарini  
сўрайmiz.

Манзил: Samarqand shaxri Abu Raxxon  
Beruniy kuchasi, 12-uy.

\* \* \*

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан  
шугулланувчи нотариус Ходжаев Фарҳод  
Фарҳодович нотариал идорасида марҳум  
Ахмедов Ҳудоёр Мансуровича (2021 йил 9  
майда вафот этган) тегиши мол-мulk учун мерос  
иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрлар-  
нинг Ходжаев Фарҳод Фарҳодович нотариал  
идорасига мурожаат этишlарini  
сўрайmiz.

Манзил: Samarqand shaxri Abu Raxxon  
Beruniy kuchasi, 12-uy.

\* \* \*

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан  
шугулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер  
Пўлатович нотариал идорасида марҳум Очилов  
Шарифга (2022 йил 11 февральда вафот этган)  
тегиши мол-мulk учун мерос иши очилган.  
Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоште-  
миров Алишер Пўлатович нотариал идорасигa  
мурожаат этишlарini  
сўрайmiz.

Манзил: Poyalrik tumanasi Chelak shaҳar-  
chasi, Obod kuchasi, 35-uy, 3-xona.

\* \* \*

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

академик лицеидан 2019 йилда Эшпўлатов  
Боғомурод Холмажат

Яқинда мактабларнинг бирига бордим. Ўқитувчилар, ўкувчилик билан сұхбатлашиб, "Деворий газета" ла-рингиз борми?" десам, улар ҳайрон бўлиши. Шунда мен уларга ўзим ўқиган мактабда бундан 45 йил илгари бўлиб ўтган воқеани айтиб бердим.

...Хар доимидек янги ўйни бошида синф раҳбаримиз Исҳоқ Тошев ўкувчилик билан машварат ўтказади. Буни одатда биз синф маъсуларини сийлаш йиғилиши дерди.

Дастлаб синф сардори сайданди. Бу "лавозим"га Замира Эшонкулова муносиб топилди. Дарвоқе, хар битта номзод учун муаллим фикри-мизни сўрар ва хисобга олар эди. Мабодо норизолик, нотугри фикр эшитса, дарҳол вазияти босиклик билан тушунтиради. Хуллас, синф тоzалиги ва ўкувчиларнинг озода келиши ва сарланжом юршини назорат килиша Мухаррам ва Робияхонларни мутасади килиб биркитди. Ойдини, Матлабай, ёкуб ва Тоштимрга синфимиздаги гулларни парваришларни топширидик. Бобошер ва Абдували мактаб тукубхонасидан китобларни саралайдиган бўйди, синфдошларимизни кутибхонага аъзо килиш масъулиятини бўйнига олиши. Воҳид ва Юнусга ўкувчиларнинг спорт билан шуғулланиши топширилди.

- Энди яна битта масъулиятиш колди, - деди синф раҳбаримиз. - Анъанага кўра, синфимизда деворий газета чиқиши ва унга мухаррир сайланishi керак.

Очиги, мен тұхбирлика кизиқардим, шу түфайли туман, вилоят газеталарига хабар ва кичик мақолалар ёзиб турардим. Муаллим шуни хисобга олди шекили, бу ишга мени тавсия қилива синфдошларимга тасдиқлатиб олди. Ибодат ва Давронжонлар менга ёрдам берадиган бўйиши. Ўша куни узоқ тортишиб, Исҳоқ муаллимининг хам фикрини хисобга олиб, газетамиз номини "Қалам-пир" деб номлади.

- Мен фикрларингизга кўшила-ман, - деди синф раҳбари. - Тўғри, дала керак, лекин ортича мактоб мурувватни ўйкотади, ўкувчини дангаса килиб кўяди. Биз аълони, имгла чанқоц ўйл-қизларни эмас, фанларни ўзлаштираётган, тўғракларга қатнамайдиган, уйида ҳам тайинли иш қўлидайдиган синфдошларингизни туртиб туришимиз керак. Ўшанда улар ҳам аълочи ва фаоллар сафига кўшилишиади.

Эртасига ватман қозоги топиб келиб, 1x70 метр ҳажмда газета тархини чиздик. Бир четига қалампир суратини чизиб кўйдик. Сардордан тортиб то ўртамиёна ўкувчигача - ҳамма ёрдам берди, лекин мақолаларни фақат таҳрири-

яят аъзолари билан келишиб ёздик.

Муаллимининг таклифи билан биринчи устунга синфимизда бир ой ичидаги килинган ишлар хакида маълумот бердик. Иккинчи устунга туғилган кунлари якилашган синфдошларни ва устозларимизни олдиндан тарабилади. Яна бир устунинг машҳур шоирнинг шеърини кўйдик ва уни синф раҳбаримизни кўрсатдик.

Муаллим мавзуллагач, деворий газетани коридорга осиб кўйдик. Очиги И.Тошевнинг ишончидан руҳланиб, деворий газетанинг иккинчи сочини тайёрлашга ҳам кизгин киришиб кетдик. Ҳар ким ҳар хил фикр билдири ва ниҳоят уни шакллантиридик.

Биринчи устунда синфимизда аъло ўқиётган болаларни, амалга ошираётган ишларимизни сал мақтаброқ ёздики. Иккинчи устунда эса биринчи чорак якуни бўйича тартиббузарлик килиган, дарсга кечикиб келган, паст баҳо олган синфдошларимизни жумладан, Мирзо Ризаев, Эшпўлат Ойдаев, Эшм Абдуллаев, Равшан Хайтоловларни танқид килдик. Яъни, тошбаканинг расмими чизиб, унинг устуга уларни ўтиргизиб кўйдик.

Деворий газетани мактаб фойслиги ишлаб кўйганимиздан кейин бир шов-шув бўйдик, асти кўяверинг. Мақолаларни, айниқса, танқид килинган синфдошларимизни уни ўқиган барча болалар хазил-мазах қилишган, уларнинг жаҳлини чикаришган. Улар хот-тоз газетанинг иртиб ташлашган, тўғриси, ўзимига ҳам "дарс тугасин, сен билан хисоб-китоб қиласмиш", дега дагдага қилишиб. Очиги, мен ҳам, газетага хисса қўшганлар ҳам нима килишини бўйлам колдик. Тўғри синф раҳбари олдига бердик ва у киши дарсдан кейин биз билан ўйигиши ўтказди. Жаҳли чиккан ўкувчиларимизга ўзларининг айбинон ўтиги билан тушунтириди. Агар яхши ўқисант, тартиби бўлсанг, келаси сонда биринчи устунда расминг билан мақтаб берамиз, деди.

Хуллас, муаллимининг гапи таъсир қилиб, ҳамма уйда дарс тайёрлайдиган, кутибхонадан китоб олиб ўқийдиган, тўрт-беш баҳо олишига интиладиган бўлди. Мен эса шу битта деворий газетанинг түфайли синфдошларим ўзариги колганидан хурсанд эдим.

Кўп вакт ўтмай, мактабни битирадиган гайтишим келди. Ана шу жараёнда синфимиз нафақат

## ► Ибратли хотира



кишмоксада, туманди ҳам шов-шувга сабаби бўлди. Битта синфдан олтин медалга уч нафар, кумуш медалга эса 14 нафар ўқувчи даъвогар бўлди. Яшириб нима кила-миз, туман ва вилоят ҳалқ таълими бўлимидаигарла ишоншина мади, мактабга келиб, биздан кўшишча она тилидан иншо, математикадан ёзма ва бошка фанлардан оғзаки имтиҳон олиши. Улар ҳам синфимиз эришиган ютуққа ишонч хосил килишиб. Шунда меҳмонлар синф раҳбаримиздан бу ютуққа қандай эришингиз, деб сўрашган. Муаллим эса "Болаларни китоб ўқишига, дарс тайёрлашга қизиқтиридик, холос, ҳар хафта якуни билан энг кўп баҳо олган ўкувчиларни рағбатлантириб бердик", деб жавоб берган.

Дарҳақиқат, 1969 йилда Қарнаб ота кишлогоғидаги 45-ўйта мактабни битирган бир синфдаги ўттиз нафар ўқувчидан уч нафари шофёрлик ва бир нафари сотувчилик курсидаги ўқиди. Очиги, улар ҳам ота-онасининг касби ва ўрнини эгаллаш учун шу ишни килиди. Қолган 26 нафар ўқувчи Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртларига ўқишига кириб, яхши мутахассис бўлиб, эл ҳурматини қозонди. Мисол учун, фан номзоди Воҳид Раҳимов Тошкент авиация заводидаги бўлим мудири бўлиб ишлади. Роҳила Қиличева ва Мукаррар Фаффоровлар шифокор бўлиб танилди, Замира Содикова, Мухтаран Ҳимматова, Ҳанифа Ҳамроева ҳалқ таълимида обрў топдилар. Адбували Абдухоликов давлат ишида нуғузли лавозимларда ишлади.

Ёшим етшишга киргандаги мен бу воқеани бежиз эсламадим. Бир муаллимининг фидоилиги ва бир деворий газетанинг тасвири бу тун синфга омад келтириди. Ана шу синфдошларим Худо раҳматига олсин! ҳозирги ўшида ҳам газета ва китоб ўқишини қанда қилимайди, фарзанду неварапарига ҳам шу тарзда тарбия беришади. Телефону телевизорга, иктиомий тармоқларни каналларига мукасидан тушган ўшларимиз бу воқеани билди кўйишса, ёмон бўлмас эди.

**Холмурод КАҲХОРОВ,**  
Пахтаки тумани  
Қарнабота қишлоғи.

Холмурод КАҲХОРОВ,

Пахтаки тумани  
Қарнабота қишлоғи.

Саводхонлик инсониятнинг энг катта бойликларидан бири. Аммо сайёрамиздаги барча инсонларни саводхон қилишининг хозирча имкони бўлмаяпти. Шу жумладан, таълимига қаратилаётган шунча ўтиборга, амалга оширилаётган кенг кўламили ишларга қарамасдан, юртимизда ҳам бу муаммо сақланиб турибди. Узокда борманг, бугун телеграм тармоғидан олган ҳабарларининг текшириб, таҳлил қилиб чиқинг. Аниқки, уларнинг саноқли қисмиагина "аъло" баҳо бера оласиз...

## Саводхонликни қандай ошириш мумкин?

- Имло хатолари билан ёзадиганлар, қайсики, саводсизлар мактабда яхши ўқимаган, - дейди сұхбатшошларидан бири. - Буни тенгдошларим тақдирида аниқ айтишмаймун. Чунки бизнинг ёшлигимизда катта ва кичикка "Ўқиб ким бўласан", деган тушучча сингиб кетганди. Менинг ўзимига неча марта айтишган, "Ўқиганларни кўрпимиз" деб. Шу боис аксарийт ўтқоларим таъкидиган бўлиши ўрганган эмас, ота-онаси буюрган тириклик ўмушларни таъкидиган бўлиши ўтиказган. Лекин ҳозир тушунчалик, шароит ва вазият ҳам ўзгариб кетганини ўтиборга олиш лозим.

Бу гапларга исбот шарт эмас. Чунки ёшларни ўқитишига ўтибор ошганки, узоқ кишлоқларда бир эмас, бир нечталаб ўқув марказлари очиляпти. Яъни, уларга ўтиёт бор, одамлар болаларининг дарсдан кейин кўшимча машғулотларда катнашиши учун пул тўлашпти. Лекин ҳамон жамоат жойлари (транспортдан тортиб кўча-кўйлар), умуман, реал ва виртуал хаётда дуч келадиган нотугри ўзилган. Лекин ҳозир тушунчалик, шароитида ишларни мавжуд монларга дуч келаси, гувоҳ бўласиз.

- Саводда гап тарбияда, ҳурматда, - дейди Корея Республикасининг Тош-

кентдаги таълим маркази маъмури Наргиза Акбарова. - Катта гурухларда ҳам имловий ва лугавий хатоларга беътибор, изоҳ ва муносабатлар ёзаверишиди. Куни кечга биттаси билан баҳлашади. "Сенга нима, диктант ёзяпмани, ҳамма хото килиди", дейди.

Аслида муаммо шунда. "Ҳамма хото килиди-ку", деб беътибор юраверамиз. Қарабиски, бизнинг ҳаёт ва турмушмиз майдай хатолардан долзарб муаммоларга айланни кетади.

Ҳар ким ўз она тилини билиши, унда саводи чиққан бўлиши шартиги ҳақида яна кўплаб далилларни келтириш мумкин. Бироқ бу ўрнада саводхонликни ошириш ниманинг хисобига ва қандай амалга ошириши мумкин, бизнингчага.

Шу масалада университетда бирга ўқиганларни таъкидиган биринида саводхонликни ошириши ўтирилайди. - Мактаба рус синфида 6 йил ўқиганинг учун биламан - русларда ким агар грамматик хато очиляпти. Яъни, саводхонлик нафқат бир шахсга, балки оила ва жамиятга фойда келтиради. Қашшоқлик ва ишисизлик бартараф этишига ўтирилайди.

- Мактаба рус синфида 6 йил ўқиганинг учун биламан - русларда ким агар грамматик хато очиляпти. Яъни, саводхонлик нафқат бир шахсга, балки оила ва жамиятга фойда келтиради. Қашшоқлик ва ишисизлик бартараф этишига ўтирилайди.

Шу масалада университетда бирга ўқиганларни таъкидиган биринида саводхонликни ошириши ўтирилайди.

Хатлардан сатрлар

## Қариндошдан қиз олманг

Бу гапни ҳам айтавериб чарчадик. Ёндаги ойлада айнан опа-сингиллар фарзандлари турмуш кургандан сўнг, ногирон фарзанд түғилганини кўриб турган бўлса-да, кўшниси ҳам худди шундай йўл тутади, акасинига совчи бўлиб боради. Телевизорда, радиода шифокорларнинг огоҳлантиришлари бундайларга этиб маъояти.

Яқинда қозогистонлик эски танишмал телефони килиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, мен ундан "Сизларда ҳам қариндош-уруғулар куда-анди булишмаган. Аммо давр ўзгарди, дунёни тушна бошладик, иллатнинг сабабларини топдик, "уруғчилик" ҳам йўқолиб кетяпти. Унда нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар түғилмалошиганини кўйиб кетяпти.

Нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар түғилмалошиганини кўйиб кетяпти.

Нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар түғилмалошиганини кўйиб кетяпти.

Нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар түғилмалошиганини кўйиб кетяпти.

Нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар түғилмалошиганини кўйиб кетяпти.

Нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар түғилмалошиганини кўйиб кетяпти.

Нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар түғилмалошиганини кўйиб кетяпти.

Нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар түғилмалошиганини кўйиб кетяпти.

Нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар түғилмалошиганини кўйиб кетяпти.

Нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар түғилмалошиганини кўйиб кетяпти.

Нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар түғилмалошиганини кўйиб кетяпти.

Нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар түғилмалошиганини кўйиб кетяпти.

Нега қариндошларнинг куда-бўлишига, бу ойладан ногирон болалар тү